



ЎЗБЕКИСТОН ХАЖАКЎРАТИ

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 121 (10.117).

1991 йил 26 июнь • чоршанба •

Баҳоси 8 тийин.

ЧОРВАЧИЛИКНИ ТУБДАН ҚАЙТА ҚУРИШ КЕРАК ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

БИЗДА гўшт, сут етиштиришни қўлайтириш учун мол ҳам, ер ҳам, ўз ишнинг устаси ва севувчи одамлар ҳам бор. Фақат қўнт, ҳафсала етишмайпти.

Тошкент вилоят партия комитетининг бўлиб ўтган бюро йиғилишида Бўстонлиқ, Ғалаба ва Янгийўл районларидаги чорвачиликнинг аҳволига жиддий ва ҳолисанилло баҳо берилди.

Озиқ-овдат масаласи, деди ўз сўзида вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов, эндиликда сиёсий масала бўлиб қолди. Бироқ назаримизда ҳамма районларда ҳам бунга яхши тушуниб етишмайпти. Акс ҳолда ҳозирги кунга қадар чорва маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш ҳажмини камайтиришга мойиллик хатти-ҳаракатига барҳам берилмаётганлигини қандай баҳолаш керак.

Тўғри, ишдаги йўл қўйилган хато ва камчиликларни оқлаш учун қўлаб баҳоналарни келтириш мумкин. Лекин қачонгача баҳона излаймиз. Ҳозирги иқтисодий шароитда ўзимизни ўзимиз боқиб ва таъминлаш ҳақида ҳам ўйлаш керак-ку! Афсуски, кўпгина хўжаликлар давлатга гўшт топиштириш режаларини бажаришга панжа орасидан қарамоқдалар. Фермага даромад манбаи, озиқ-овдат дастурини бажаришда ҳал қилувчи бўлган сифатида эмас, хўжаликнинг елкасидаги оғир юк сифатида қарамоқдалар. Кўпчилик сарф қилинган чорва моллари бош сони умумий миқдорга нисбатан 50—60 фоиз давлатга топиштирилмоқда. Қолган чорва моллари, хусусан, буқада, сирғилар вази ўртача 110—170 килограмм, қўйлар 25 килограмм оғирликда хўжаликнинг ички эҳтиёжларига сўйиб юборилади. Қўй ҳолларида бундай мажбурий сўйиш мол дўхтирлари ва зоотехникларнинг чорвани сақлашга совуқдонлик билан муносабатда бўлаётганликлари оқибатида рўй берапти.

Бу ва шунга ўхшаш фактлар Бўстонлиқ, Ғалаба, Янгийўл районлари чорвачилигига хос бўлган камчиликлар эканлиги ва бу ҳол ишни мушкуллаштиратганлигини айтиб ўтдилар. Вилоят партия комитети аграр масалалар сисёти бўйича бўлими партия ташкилотлари чорвачиликни танг ахволдан олиб чиқиш учун қандай иш олиб бораётганликлари ўрганиб, шундай фактларни аниқлади.

Тўғри, айрим силжишлар ҳам йўқ эмас. Бироқ умумий аҳвол гоёт тизгиллигича қолмоқда. Район партия комитетлари томонидан олиб борилаётган ташкилотчилик ишлари ҳозирги кун талабига жавоб берадими. Улар қўй ҳолларида кузатувчи бўлиб қолмоқдалар. Ваҳоланки, бир қатор хўжаликларда режа ва ишлаб чиқариш интимиози бўзилишига йўл қўйилапти. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш қўлайтириш учун бор имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланишга қаратилган ишлар амалга оширилмапти.

Бюрода район партия комитетининг раҳбарлари да бу муҳим тармоқдаги аҳвол учун жавобгарлик ҳисси сезилмаётганлиги таъкидланди. Ахир, ишдаги камчиликлар бир неча бор кўрсатилган эди-ку. Йил бошида ўтган йилги иш якунилари таҳлил этилиб, силжиш бўлмаётганлигига эътибор қаратилганди-ку.

А. Ўлчиёв Бўстонлиқ район партия комитетининг котиби бўлиб ишлаётганига учинчи йил кетаяпти. Унинг даврида чорвачилик ижобий томонга қараб ўзгарганими? Яхшии мисолларга мурожаат қилайлик. 1990 йилда районда ўн иккинчи беш йиллик ҳар йили ўртача кўрсаткичга нисбатан барча турдаги чорва ва парранда бош сони камайиб кетди. 1986 йилда районда 13145 бош қорамол бор эди. Тўрт йил ўтган, 9484 та қолди. Шу йилда, 4155 сирғил 3295 тага тушиб қолди. Чўчалар сони 3222 тадан 768 тага камайди.

Қамайиш давом этапти. Шу йилнинг беш ойи мобайнида ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда қорамоллар бош сони яна камайиб кетди. Гўшт, тухум етиштириш озади.

Бундан беш йил илгари районда ҳар юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 201,4 центнер гўшт етиштирилган эди. 1990 йилда 186,7 центнер бўлди. Ана шу йиллар мобайнида районда ем-хашак етиштирилган майдонлар 459 гектарга қўпайди. Бироқ, озуқа етиштириш камайди.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш Абай номи колхозда (раис Б. Қурбанов), К. Маркс номи колхозда (раис К. Ирисбеков) ҳам камайиб кетаётганлиги кузатишмоқда. Тўғри, уларда қўй туви қўлаймоқда. Бироқ, сут етиштириш қўлайтиришдан туриб биз озиқ-овдат танқислигига барҳам беролмаймиз-ку.

Шу йилнинг беш ойи мобайнида «Чорвоқ» совхоз (директор Э. Тўйчиев) ўтган йилдагига қараганда 34 тонна гўштни кам топишди. Бу хўжаликда шу давр мобайнида ҳар бир сирғилдан соғиб олинган сут 182 килограммга камайди.

35 тонна сут кам топирилди. Қорамоллар сони 252 бошга камайиб кетди. Ғалаба районда (партия комитетининг биринчи котиби Р. Каримов) ўтган йили ўн иккинчи беш йилликнинг йиллик ўртача кўрсаткичига нисбатан чорвачиликдаги 20 та асосий кўрсаткичдан 11 таси пасайиб кетганлиги маълум эди.

Районда беш йил давомида сирғиллар подаси амалда икки марта анғиланди. Фақат 1990 йилнинг ўзига бунга ерда 38 фоиз сирғил чўқита чиқариб юборилди. Шу йилнинг беш ойи мобайнида эса сирғилларнинг маҳсулдорлиги 90 килограммга камайиб кетди.

Райкомнинг котиби Р. Каримов бу вазифада ўтган йилнинг қуздан бошлаб ишлаяпти. Лекин у районда янги киши эмас-ку. Йиллик хўжаликнинг раҳбарлиги бўлиб ишлаган. Қолаверса аҳволнинг ёмонлигини ҳар хил баҳоналар билан ҳаспўлашга ўрин йўқ. Жиддий ва кескин ўзгариш қилиш муҳим. Бироқ ҳозиргача бу сезилмапти. Хўжалик раҳбарларига нисбатан етарли даражада талабчилик қилинмапти. Топиштирилган бажарилиш устидан таъсирчан назорат йўқ. Маана оқибат: 14 та хўжаликдан 10 тасида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва топиштиришда чеклиниш бўлаяпти. Дмитрийев номи (раис Х. Холимов) колхозда сирғиллар маҳсулдорлиги ўртача 258 килограмм, Энгельс номи (раис Д. Мухамедов) колхозда эса 102 килограммга камайиб кетди.

1986 йилда районда 21024 бош қорамол бор эди. Ўтган йилга келиб эса улардан фақат 16176 таси қолди. Сирғиллар подаси эса деярли минг бошга камайиб кетди. Чўчалар 20 минг бошга озади. Қўй эчки эса умуман йўқ бўлиб кетди. Товуқлар икки баравар, тухум қиладиган товуқлар эса уч баравар камайди. Бундан беш йил илгари районда 7682 тонна гўшт етиштирилган эди. Тўрт йилдан кейин эса 6640 тоннага тушиб қолди.

Ихтисослаштирилган Волков номи (директор Н. Асильбеков) совхозда гўшт етиштириш доимий равишда камайиб кетмоқда. Йил илгарида ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда гўшт етиштириш 284 тоннага, сут етиштириш 279 тоннага қисқарди. Бу ерда қорамоллар бош сони ҳам 376 тага камайиб, сирғилларнинг маҳсулдорлиги 272 килограммдан пасайди.

Янгийўл райони чорвачилигига ҳам жиддий аҳвол рўй бериб турибди. Район партия комитетининг биринчи котиби А. Юсупов бу лавозимда бир йилдан буён меҳнат қилапти. Шунга ҳам айтиш керакки, бундан олдин у район ижроия комитети раиси эди. Шундай экан коммунист сифатида унга вилоят партия комитети бюроси жиддий эътирозларини бил

дириши ўринлидир. Бир йил давомида агар ҳаракат қилинса, чорвачиликда ижобий силжишлар томон қадам қўйилиши мумкин эди. Агар аҳвол шу даражада давом этаверса, ишнинг ўнлаб олиш учун бир неча йиллар ҳам камлик қилади-ку.

Ваҳоланки, ўтган йили А. Юсупов ишлаётган пайтдаёқ ўн иккинчи беш йилликнинг ҳар йили ўртача кўрсаткичига нисбатан чўчалар, паррандалар сони камайиб кетган эди. Гўшт етиштириш 530 тоннага озади. Ўтган йилда районда ҳар тўрт сирғилдан биттаси чўқита чиқарилди. Ҳозирги кунда подадаги сирғиллар салмоғи 32 фоизни ташкил этади. Бу норма тивдан анча камдир. «СССР 60 йиллиги» (раис Н. Эрзаев) ва Калинин номи (раис М. Аҳмаджонов) колхозларда бу кўрсаткичлар бундан ҳам кам.

1986 йилда районда 7,67 миллион тухум етиштирилган эди. Ўтган йили эса 0,17 миллион тухум етиштирилди, холос.

Калинин номи колхозда ўтган йилга нисбатан қорамоллар бош сони 47 бошга, сирғиллар эса 37 бошга камайди. Ҳар бир сирғилдан соғиб олинган маҳсулот 150 килограммданга озади. Шу йилнинг беш ойи мобайнида колхоз ўтган йилнинг беш ойига нисбатан 20 тонна сутни, 8 тонна гўштни кам топишди.

Богдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган У. Юсупов номи комбинатда шу вақт мобайнида гўшт топириш 46 тоннага, сут 37 тоннага камайди. Подалардаги сирғилдан 22 бош озади.

Вилоят партия комитети бюросида район партия комитетлари раҳбарлари қўйилган талабга нисбатан лоқайд қарамоқдалар, деб таъкидланди. Улар ўзлари томонидан қабул қилаётган барча қарорларнинг тўғрилигига ортиқча ишонадилар. Бу ҳол биринчи котибларнинг рўй бераётган аҳволни тўғри баҳолашларига ҳалақит бермоқда. Оқибатда гап бўлаётган камчиликлар содир бўлмоқда. Ҳозир ҳам бундай аҳвол кузатишмоқда.

Бўстонлиқ районда ўтган йили ҳар юз бош сирғил ва тунақиндан атиги 75 тадан бузоқ олинди. Сирғиллардан олинган сут ўртача 2338 килограммни ташкил эди. Бу вилоят бўйича энг кам кўрсаткичдир. Хўжаликларда сўйиб юборилган қорамолларнинг ўртача оғирлиги бор-йўғи 200 килограммга етган. Ғалаба районда ҳам бузоқ олиш камайиб кетди.

Агар бу йили оладиган бўлсак, олти бошданга камайди. Янгийўл районда икки ешдан юқори бўлган гунажликлар сирғиллар қаторига жуда кам ўтказилади. Буларнинг ҳаммаси тартиб-интизомнинг йўқлиги, коммунист раҳбарлар ва мутахассислар ўз бурчларига садоқат билан ёндашмаётганликлари, район партия комитетлари томо

нидан назоратнинг бўшашиб кетганлиги оқибатидир.

Бюрода пахтадан бўшаган ерлар камайганлигига қарамадан чорва учун озуқа етиштириш қўлаймаётганлиги қайд этилди. Афтидан эски касаллик панд берапти, шекилли. Ем-хашак экинлари учун ажратилган гектардан 1,5—2 баравар кам ҳосил олинмоқда. Авваллари хўжалик раҳбарлари пахта яккахоқимлигини рўнақ қилиб кўрсатар эдилар. Хўш, эндиликда ишни жўнаштириб юбориш учун нима ҳалақит берапти. Албатта, масъулиятсизлик-да.


Бундай муносабат оқибатда маҳсулотнинг нобуд бўлишига, молиявий йўқотишларга сабаб бўлаяпти. Ғалаба районда ўтган йил якунига нисбатан оладиган бўлсак, чорвачиликдан қўрилган зинн 2,9 миллион сўмни, Янгийўл районда 0,5 миллион сўмни ташкил этди. Бўстонлиқ районда эса рентабеллик 12,1 фоизга камайди ва атиги 2,7 фоизни ташкил этди.

Чорвачиликда иқтисодий самарадорликнинг пастлиги сабабларидан бири шуки, жойларда меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг янги илғор усуллари жуда суст жорий этилапти. Бу масалада район партия комитетлари етарли даражада изчиллик ва қатъиятлик кўрсатмаётилар.

Янгийўл районида фақат биттагина фермер хўжалиги ишлаб турибди. Бўстонлиқ районда эса биронта ҳам йўқ.

Вилоят партия комитети бюро йиғилишида коммунистлар, раҳбарларга, партия ташкилотларининг котибларига нисбатан қатъий талабчилик қилинмади, ишнинг яхшилаш мумкин эмаслиги қайд этиб ўтилди. Бугунги кунда чорвачилик гоёт муҳим иш эканлигини улар астойдил тушуниб етишни истамаётганликлари ачинариди. Ҳамон одат бўлиб келганидек, чорвадорларнинг маший турмушлари ва иш шароитларини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилинмапти. Бу масалалар район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг диққат марказида эмас. Янгийўл районидаги хўжаликларда ҳар икки фермадан биттасидagina дам олиш, кийиниш хонаси, дўш бор, холос. 21 та фермадан 2 тасида шифокорлик тармоғи бор. Бўстонлиқ районда эса 29 та чорвачилик фермасининг 11 тасида жўқозланган дам олиш уйлари, 6 тасида ошхона, 3 тасида медицина тармоғи бор.

(Давоми 2-бетда).



Ризқ-рўзимиз бўлиш ғаллазорларда бугдой ўрими авж паллага кирди. Оққўрғон райондаги «Коммунизм» колхози деҳқонлари техника ёрдамида кунга 7—8 гектар майдондаги ғалла янгийштириб олмақдалар. Пешкадамлини қўлдан бермаётган Раҳматулла Холиқов бошлиқ ижарачилар ҳар гектар ердан 65 центнердан ҳосил қўтаришмоқда. Суратларда: (юқоридан дастга) комбайнчилар Н. Абдусаматов ва А. Содирхонов; ғалла ўрими пайти; назоратчи Т. Иброҳимов ижарачилар Р. Ҳолиқов ва А. Сулонов билан ҳосил қўганин кўздан кечтиришмоқда.

Сураткаш П. ЭРГАШЕВ.

Тошкент вилоят партия комитетига ТАЛАБЧАНЛИК КУЧАЙТИРИЛСИН

Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетига вилоят аҳолисини озиқ-овдат билан таъминлашни ташкил этиш масалалари бўйича комиссиянинг нобардаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят шаҳар ва районларининг озиқ-овдат маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Бу борада жойларда қандай ишлар олиб борилаётгани ҳақида «Ташкентхлебпродукт» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Т. Шодимов, вилоят гўшт ва сут маҳсулотлари саноати бирлашмаси ҳамда Тошкент мева-сабзавот маҳсулотлари саноати бирлашмаси раҳбарлари—Ш. Мусаев ва Н. Носиров, вилоят ижроия комитети савдо бўлимининг мудир А. Азизов, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг иккинчи котиби Т. Юсупов, Калинин район ижроия комитети раиси Б. Жуманиёзов ва бошқалар ҳисобот бердилар.

Комиссия йиғилишида савдодаги ўғирликлар, молни беркитиб қўйиш ҳоллари кескин танқид қилинди. Афсуски, савдо мажмуасида бу наби қонунобузликлар ҳар доим ҳам тегишли тарзда жиддий жазоланмади. Қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Комиссия йиғилишининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети иккинчи котиби Ш. Н. Маҳмудова бошқариб бори.

жой бошқармасида эса эҳтиёт қисмлар қўйишга бўлмайди. Магазинда йўқ. Нонқош маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналардаги танишларнингга мурожаат қиласиз.

Ана шунча гаплар. Оҳангаронни «олтин булоқ» дейишди-ку, мана шу булоқ сувидан баҳраманд бўлмайми. Бизнингча, бунга бартараф этишни иккита йўл бор. Ёки савдо шохбачаларида қурилиш моллари таъминотини яхшилаш, ёки савноат корхоналарининг ўзидан фирма магазинларини очиб. Бу ҳақда Оҳангарон шаҳар ижроия қўмитасининг раҳбарлари ўйлаб қуришлари керак.

О. ХУШНАЗАРОВ,
жамоатчи мухбир.

ОХАНГАРОН шаҳри савноат корхоналарида тайёрланган бинокорлик материаллари жумҳуриянинг машҳур ва маъдун. Бугунги кунда қурилишлари цемент, шифер, пластмасса ва сай техника маҳсулотларини тезасавур қилиб бўладими? Хуллас, бу ердан булак жойларда оҳангаронликларга ҳавас билан қарашибди, қурилиш материаллари ўзидики қайди, уларга «наза» дейишди. Аслида шундайми?

Бироқ, «бўзчи белбоққа ёлчидими?» деган гап бор... Келинг, яхшии шаҳардаги хўжалик ва қурилиш моллари билан савдо қиладиган дўконларни бирга айландирик. «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилар таъминоти бўлимига қарашли 24-қурилиш моллари магазинида. Магазинда «Стройластмасса» комбинатига тайёрланган

БЎЗЧИ БЕЛБОҚҚА ЁЛЧИЙДИМИ?

• Бу муаммони ким ҳал қилади?

сантехника қурувлардан бўлак нарсас қўйимайди. Магазин мудир С. Папикьян мурожаат қилади.

— Сиз сўраган қурилиш материаллари шаҳринида ишлаб чиқарилса ҳам биз уларни Тошкентдаги «Ўзхотторг» базаси орқали оламиз, — деди у. — Қани энди аҳол талаби катта бўлган ланолеум, ванаалар бўлса...

Ана, холос. Асосан савноат корхоналарига савдо хизмати кўрсатадиган ишчилар таъминоти бўлимида аҳвол пў бўлса. Бу ҳақда ажабланиб, ишчилар таъминоти бўлими савдо бўлимининг бошлиғи Л. В. Спикьянни сўзбегга тортиди.

— Ҳақиқатан бу борадаги аҳвол ёмон, — дейди Людмила Васильевна. — Тўғри, баъзи-баъзида у ёки бу маҳсулотлар бўлиб туради. Бироқ улар деңиздан томишди қолди. Сиз айтган 24-магазинда эртага шифер соғамиз. Бироқ бирлашма ишчи-хизматчилари учун шаҳарнингиздаги бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналар қонидига етмаган, деярли сифатсиз маҳсулотлари тавсия қилишмоқ

планга қўшимча тайёрланган маҳсулотларини шартнома орқали олиб сотиш мумкин. Бироқ корхоналарда планга қўшимча маҳсулотларнинг ўн йўқ-ку! Шунинг учун ҳам 8-хўжалик моллари магазинида «Сантехлит» заводда тайёрланган раковина, «Стройластмасса» комбинатига ишлаб чиқарилган пластмасса челақисларга турибди. Бошқа маҳсулотлар йўқ. Айтилик, кватиранида тайёрланган қурувлар ва унинг қисмлари ишдан чиқди. дейлик. Уй-



ФАКТЛАР, ВОҚЕАЛАР,
ЯНГИЛИКЛАР

ОҚЛАШ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРГА ДУХ КЕЛМОҚДА

КПСС МК ҳузурида ишлаётган қатъон қийинчиликларга дуч келмоқда. СССР Фанлар академияси Тарих институти директори А. Новосельцевнинг гапларига қараганда, бу аввало шу билан изоҳланадиган, комиссия 20-йилларда азиз чекикларнинг ишлари қайта қўриб чиқиш ва бу қатъонларга ҳолис баҳо бериш зарурати олдида турибди.

«Вопросы истории» ойнамаси тахрир ҳаёти олдига сўзлаб А. Новосельцев шунинг айтиш-ки, «Кўп йиллар мобайнида мен шекилли, эсерларга нисбатан ва бошқаларга оппозицияда бўлган бошқа партиялар вакилларига давлатнинг ашадлиқ душманлари сифатида бўлган муносабатини ҳозирча бартараф этиш жуда қийин келмоқда». Унинг фикрига кўра 20-йилларда қатъон этилганларни оқлаш ўша йиллар воқеаларига нисбатан расмий қарашни ўзгартириш бўлиши эди.

Л. Троцкийни сийсий оқлаш ва Уни Коммунистик партияга қайтариш мумкинлиги тўғрисидаги саволга жавоб бериб, у бу воқеа қандай рўй беришига шубҳа билдирди.

ЖАҲОН ТУРКМАНЛАРИ УЮШМАСИ

АШХОБОДА ватандош туркманларнинг биринчи халқаро анжумани бўлиб ўтди. Унда Афғонистон, Эрон, Туркия, Сурия, Буюк Британия, Германия, Швеция ва бошқа мамлакатларда яшовчи туркманларнинг вакиллари қатнашди. Анжуман миллий-маданий меросни ўрганиш ва сақлаш ишида Туркманистондан ташқарида яшовчи миллионлаб ватандошлар куч-гайратини бириштириш, шунингдек ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш, гуманитар соҳада алоқаларни мустақамлаш мақсадини ўз олдига вазифа қилиб қўйган эди.

Анжуманда жаҳон туркманлари уюшмаси тузилди, янги ташкилотнинг устав қабул қилинди, раҳбар органлари сайланди, Туркманистон ССР Президенти Сафармурод Ниязов уюшма президенти этиб сайланди. Анжуманда шунингдек «Туркмен сеси» («Туркманлар овози») рўзмасининг нашр этишга қарор қилинди.

ҚОЗОҒИСТОН СОБИҚ РАҲБАРИНИНГ ХОТИРАЛАРИ

ҚОЗОҒИСТОННИНГ собиқ раҳбари Динмухаммад Қўнаев хотиралар китобини эълон қилди. Бу китоб факат жумҳуриятдаги эмас, бутун мамлакатда қизиқтириш тугдириши шубҳасиз. Қўнаев Совет давлати ва сийсийнинг белгилаб берганлар орасида бир неча йиллар бўлган эди, КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзоси эди.

Китобнинг кўпгина боблари қўлда қолган, деди Д. Қўнаев ИАН муҳбирига. «Лекин мен китобни бутунлай тугатмаганимча уларни ҳеч қандай бормисликига қарор қилдим. Китобдаги ҳар бир боб ҳаётимдаги муҳим воқеага бағишланган. Мен Хрущев, Брежнев, Суслов, Косигин ва шундан бери тўғри келишига тўғри келган бошқа кўп кишиларга таъриф ва сийсий баҳо берганман».

ИТАЛИЯДАН СЎНГ ТОШКЕНДА

24 июндан 6 июлгача Италияда Совет Иттифоқининг турли шаҳарлари ҳамда жумҳуриятлари театр-студияларининг фестивали ўтди. Италия томошбинлари бешта саҳна жамоасининг санъати билан танишиш мумкин. Ленинград камер театри, Киевнинг «Будимо» театр-студияси, Пермнинг янги ёшлар театри ва Литва ёшлар театри билан бирга ўзбекистонлик «Мулоқот театр студияси ўз санъатини намойиш этди. Бу жамоа Ҳамза Ҳакимзода Ниязининг «Ҳамзининг номаълум актери» пьесасини кўрсатди. Бу ижодий жамоа майдонлар ва кўчаларда ўз томошбонларини намойиш этиб, кўлаб мухлисларни ўзига жалб қилиб келди. У ўзбек миллий театрининг унинг аъёнларини тилиш оралиқларидир.

Италия театр студияларининг жавоб фестивали Тошкентда очилди.

Матбуот ва ахборот агентликлари материалларини асосида тайёрланди.

• Меросимизни ўрганайлик

МАВЛОНО САЙИД АҲМАД ВАСЛИЙ

ЎЗ ЗАМОНАСИДА ҳам шoir, ҳам мутафаккир олим ва матбуотчи (журналист) сифатида шuhrат топган Сайид Аҳмад 1870 йилда Тошкентнинг Ишқобод маҳалласи (ҳозирги Гулбод мавзеси ҳудуди)да таваллуд топган. Аввал Қўқалдош мадрасасида ўқиди, сўнгра Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида тахсил қилди. Ўзининг истеъдод ва бой билим туйғайли таҳсилдан 1905 йилдан бошлаб Самарқанддаги Улуғбек мадрасасига мударрис этиб тайинланди. Бу кўп қирралли истеъдод соҳибини нафис ва нозиктаб лирик шoir, публицист, журналист сифатида жуда фaол ижодий фаолият кўрсатди. У «Туркистон вилoятининг газети», «Тараққий ёки Ўрта Осиё умргўзори», «Инги Бухоро» каби рўзмоналарда, Самарқандда чиқиб турган «Ойна» ойнамасида, шунингдек, Санкт-Петербург ва Уфада нашр этилган бир неча рўзмоналарда мактаб, маориф, таълим-тарбия, ижтимоий-сийсий муаммоларга оид мақолалари билан тез-тез кўриниб турди.

МУВАШШАҲИ ДУ ИСМ

(Икки исм мувашшаҳи)
Муҳаббатинг ила жоним асир ранку азоб
Мудом ҳақринг ўтидин дилимга юз табу тоб.

АБИТУРИЕНТ-91

НИЯТИНГИЗ ЙЎЛДОШИНГИЗ БЎЛСИН

Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент Давлат аграр дорилфунунида куни кеча кундузги бўлим қабул комиссияси иш бошлади. Республикаимизнинг барча вилоятлари, шунингдек, Қозоғистоннинг Чимкент, Тожикистоннинг Ленинобод вилоятларидан келган абитуриентлар учун бу ерда барча шароитлар муҳайё этилган. Ўқинишга кирадиганларнинг танлаган қўлидиган тўғрисида комиссия аъзоларидан тўлиқ тўшунча олади. Бундан ташқари ҳар хил тендлар, кўргазмалар ҳам иختисосликлар ҳақида маълумотлар беради.

— Бу йил тўққизта куллетга 750 нафар ўқувчи қабул қиламиз, — дейишди дорилфунун ўқув ишлари бўйича проректори, комиссия раисининг уринбосари Руслан Остонов ҳамда комиссия масъул котиби, профессор Хожимурод Кимсановлар — ҳужжатларни топириш мuddати 15 июлгача. Комиссия иш бошлашдан олдин абитуриентлар билан суҳбатлашди, уларнинг руҳларини тетик. Ийит-қизлар ҳар бири катта умид ва ишонч билан бу олий даргоҳга қадам бoшишган. Уларга тилигин битта ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, деймиш.

Биз ҳам бу истакка қўшилиамиз.

С. ҲАСАНОВ.

ШУНДАЙ КИШИЛАР БОР БЎЛСИН!

«СУЮНЧИСИ»НИ ҲАМ ОЛМАДИ

Навбатдаги хизмат сафардан кечроқ қайтдим. Муҳаррир топиригини вақтида уйдим-у, аммо кун аллаҳа қалба бориб қолган сизмай қўлиман. Вақт шомдан ўтгач, бизнинг уй томон автобус кўтишининг фойдаси йўқ. Амаллаб, такси уласанг ҳам катта гап... Шундай ҳаёллар билан катта йўл қаҳсида ўткинчи машиналарга қўл кўтара бошладим. Қани энди бирортаси тўхтаса.

Нима қиларимни билмай турган эдим, беҳосдан бир сарғиш такси ёнгинамга келиб тўхтади. Хурсанд бўлиб у томон энгашган ҳам эдимки, эшиги очилди, дўстларимдан бири тўшиб келди. Анчадан бери кўришмаган эдим. Кўчоқлашди, дийдорлашдик.

— Бир қўришб қолдик, — деди дўстим. — Юр бизникига бориб, бафуржа ўтириамиз. Бундай кудай фурсат яна қачон келади? «Мавриди эмас, кейинроқ...» деб мени эътироз билдиришига қарамай, дўстим қўлимдан судраб машинага ўтказди-ю, шoфёрга қараб «ҳайданг, амаки» деди. Йўлга тушдик. Оғайним мени саволга тутар, ойландаги ўзгаришлар-у, янги иш жойим ҳақида суриштирдик. Эши олтишларда, қорачадан келган, истараси иссиқ ҳайдонни жийлашганча суҳбатимизни тинглаб борарди.

Дўстимиз уйи ёнига келгач, суҳбатга берилиб кетди, таксидан тушиб қолавердимки. Анчадан кейин машинада юкларим қўлиб кетганини эдимга тушди. Улар орасида кўп фотосурат, бриттичлар, мен учун қимматли иш қорозлари бор эди. Машина рақамини ҳам, қайси паркандан эканлигини ҳам билмайма.

Аппарат-у, қорозларингдан умидингизни узавер, — деди дўстим хўрсиниб. — Ҳозир бирининг нарсасини олиб келиб берадиган марлар йўқ... Шанба ва яшанба кунини

Даврон АҲМАД

Юзнинг гули каби гўл гулшун кира кўрмашимам
Лабининг бодасига тенг эмас шаробин ноб.
Рақиб шун туну кўрб сани турсан
Анга мудоом навозиш, манга ҳаммаша итoб1.
Замона тўблари ўлс қўл санга арзир,
Гуломни бир ниҳатингдур жамин шайт ила шoб.
Асир наргис фаттонинг ўғди ақлу қўшим.
На янглиғ айларам эй шў азим дарсу китoб.
Кўзунинг маҳзини қилдим ўзимга дарди забoн.
Юзунинг фикрини ўзга манга на қирадур2, на жавoб.
Латофати бадаининг рашик жисми ҳурин жон3,
Хиром чоғи фўлнинг, орий, атри нағм гулoб4.
Агар фаришта юзунг кўрса ошининг ўлғай,
Имоми хонақа қошинг кўрб қилур мақрoб5.
Уки фаришта сифат исмин этти Васлий газал,
Ўқиб кўрунг, ки чикур исми ники олиқанoб.

Суратининг эй, пар, ким кўрса бўйга бешуур,
Васлийни жаннат дебoн ёд айламаз гилмуру ҳур.
Оташ ишқини бағринг кўяди, оҳим оташин.
То сани кўрдим кўнгулдан сабру тоқат бўлди дур6.
Хўс хайли кира сандик моҳи сиймо кўрмашим,
Эй юзунг қўришди тобoн, вей, жаббининг айин нур.
Жисми сиймининг7 ҳар ким боқса кўргай суратин
Чун қилур ойнада ҳар кимсани акс эзуур.
Эй гўзал, гулзорини жаннат оразидин8 жилвагар,
Кимки бир кўрди юзунг мандек бўлур гаркн сурур9.
Неча дурсан, Васлий, сабр эт, тар тиларсан васли ёр,
Сабрлар қилдим, ки тақсин қилди Аюби сабур9.

Ҳазалларни араб имлосидан кўчириб, сўзларни изоҳловчи

Д. САИДОВ

1. Итoб — қийноқ.
2. Қирад — ақл.
3. Ҳур жинoн — жаннат гўзали.
4. Нағм гулoб — гулoб (хўшбўй ичинликни) ҳам уялтиради (деган маънода).
5. Дур — узоқ.
6. Жисми сиймин — кумуш бoдoн.
7. Ораз — юз, кўриниш.
8. Мисраининг мазмуни: Кимки юзунинг кўрса мен каби шодикларга фарк бўлади.
9. Аюби сабур — сабрли Аюб (афсонага ишора).
Шеърлар 1912-13 йилда Тошкентдаги О. Порцев бoс-махонасида нашр этилган «Васлий» китобидан олинди.

Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳининг бир гуруҳ етакчи мутахассис-олимлари Охангарон районида муолажалар олиб бoрмоқдалар. Олийгоҳ Охангарон цемент заводи билан ўзаро ҳамкорлик юзасидан шартнома им-

ҲОЙДАЛИ МУОЛАЖАЛАР

золаган. Ана шу келишувга биноан тажрибали мутахассислар вақти-вақти билан заводга ташриф буюриб, корхона жамоаси соғлигини на-

зорат қилиб турадилар. Ишчи, хизматчиларга ҳойдали маслаҳатлар бериб, муолажалар олиб бoрадилар.

С. ОДИЛОВА.



Рақс тугилмоқда.

Т. КАРИМОВ сурат-лавҳаси.

АКС САДО

КЎКАЛДОШ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Шу йилнинг 29 майи кунин «Тошкент ҳақиқати» рўзмонасида Кўкалдош мадрасаси ҳақида Бахтиёр Каримовнинг мақоласи чоп этилди. Уни ўқиб чиқиб муаллиф ва рўзмона муҳарририяти яхши савобли ҳикса қўшгани учун некаслар номидан ўзимнинг ташаккурини изҳор этмоқчиман.

Маълумки, 70 йил давомида динга таъқиқ ўтказиш туйғайли ёшларнинг тарбияси анчагина издан чиқди. Нoб обидлар ҳақда раҳбарлар ҳисобланади. Исом ва ўзбек маданиятини намoён қилувчи Кўкалдош каби муқаддас жойлар оғирҳоналарга айлантирилди.

Яхшиямки, қайта қуриш бошланди барча соҳаларда сингари динимиз ҳам рўшнолик кўрди. Бухоро, Андижон, Наманган ва Тошкентдаги бир қатор обидлар диний идораларга қайтарилди. Бу, албатта, хайрли тадбир бўлди.

Муаллиф Б. Каримовнинг фикрларига мен ҳам қўшилиман. Шаҳримизнинг кўр ки бўлиб турган Кўкалдош мадрасасининг 2 та хонаси ниқоҳ ўқийдиган жойга айлантирилса, бу ерга махсус ниқоҳ ўқийдиган домларлар ажратилса мақсада мувофиқ бўларди. Мақолада айтилганидек, масжидларда бир томонда жанoза, бир томонда ни-

қоҳ ўқилиши анча ноқулайдир. Домлар ҳам шoшиб ниқоҳин калта қилишга мажбур бўлишлари эҳтимолдан ҳoли эмас. Ниқоҳ ўқиб олдинда кўё билан келиннинг шарнадаги бурчлари ҳақида келин-кўёга кенг тушунтирилиши лoзим. Шoшма-шoшарлик билан ўқилаётган ниқоҳларнинг самараси ҳам кам бўлмоқда.

Кўкалдош — тарихий жой ҳамдир. Унда бундан 80 йил илгари ота-боболаримиз ўқиб ислом руқнлари ва фалакийет илмидан баҳраманд бўлишган. Бизнинг фикримизча Кўкалдош мадрасасини яна қайта Ислом оилии илмгоҳига айлантириш мақсада мувофиқ бўлур эди. Жумҳуриятимиздаги барча собиқ мадрасалар очилиб, диний идораларга берилиш, керак деб ўйлайман. Шундангина биз виқдон эркинлигини тўларoқ намoён қилган бўлур эдик.

А. НАВИХҲАЕВ.

• Ҳар тўғрида •

АЖОНИБ ИХТИРО

● Ҳозирги вақтда тобора кўпайиб кетган ва очиниш учун мосламга эга бўлган консерва банкларини америкалик Клеон Фрейд (1913—1989 йиллар) ихтиро қилган эди. Унга 1959 йилда навалий эиёфатга консерва очадиган пичоқнинг эсидан чиқиб қолгани бунга туртки бўлди. Утган йили жаҳонда 150 миллиондан онадон ортик шундай консерва тайёрланди. Унинг кўпчилиги пиво ва алкогoлсиз ичимликлар қўюлган эди.

ЭНГ ИРИК ОЗИҚ-ОВҚАТ

КОРХОНАСИ

● Швейцариядаги «Нестле» фирмаси ер юзидо озиқ-овқат санъатининг энг йирик

корхонаси ҳисобланади. У бизнинг мамлакатимизда эрийдиган кофе солинган банклар билан ҳам мажбур. Унинг бўлимлари юздан ортик мамлакатларда жойлашган. Фирмада ҳаммаси бўлиб сал кам 200 минг хoд-им ишлайд.

74-ФАРЗАНДА ҲОМИЛАДОР

● Аргентинада тугилган, кейинчалик Чили фуқароси бўлиб қолган Леонтина Эспиноса де Касерес курран замининг энг кўп фарзанд кўрган онаси ҳисобланади. Яқинда Сантьягодан келган хабарда маълум қилинишича, Леонтина умрининг 59-ёшида яна навабдаги, ҳисoб бўйича 74-фарзанди

кутмоқда. 1944 йилда Херардо Касересга турмушга чиққан бу аёл ундан 11 марта эгизак ва 16 марта бир нафардан фарзанд тугди.

Леонтинанинг 73 нафар бoлaсидан 12 нафари вафoт этган. 32 нафар фарзанди ҳамон Сантьягонинг йўлдош шаҳарчаси — Вилья-делас-Росасда ота-оналари билан яшайди. Бу ниҳоятда қашшоқ оилда бор-йўғи битта овқатланиш столи, учта ўтирикти, иккита калавати ва иккита тўшағи бўлиб, ундан ҳамма навабти билан фойдаланади.

Муҳаррир

Н. НАСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР БҮРЧАГИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

Р. МУСАМУХАМедОВ НОМИЛ ТОШКЕНТ
МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТЕХНИКУМИ
КУНДУЗГИ ВА СИРТКИ БЎЛИМЛАРГА
1991—1992 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумга 10—11 синфни тугатганлар ва ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар, ёшлари чегараланмаган ҳoлда қуйидаги бўлимлар бўйича қабул қилинадилар:

агрономия (мева-сабзавотчилик ихтисоси бўйича), мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш, виночилик технологияси, консервалаш технологияси. Техникумда тамомалаганлар жумҳурият жамоа ва давлат ҳўжалиқларида агроном, мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш, виночилик ва консервалаш бўйича технолог лавозимларида ишлашлари мумкин.

Техникумда асосий мутахассисликка қўшимча равишда: агрономия бўлимида — уста-пайвандчи, мева дарахтларига шакл бериш устаси, гранторчи-машинист; мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш бўлимида — мева-сабзавотларни қайта ишлаш усталари каби ишчи касблари ҳам ўргатилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ:

Кундузги бўлимида ихтисоси бўйича — 2 йил 10 ой, Виночилик ихтисоси бўйича — 2 йил 8 ой.

Консервалаш технологияси ва мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш ихтисоси бўйича — 2 йил 6 ой.

Сиртки бўлимида — 3 йил 6 ой.

КИРЎУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУҲЖАТЛАРНИ ҚА-
БУЛ КОМИССИЯСИГА ТОПИШРАДИЛАР:

директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (айрим ҳoлларда нусха), 4 тона 3х4 см ўлчамли сурат, 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома.

Жамоа, давлат ҳўжалиқлари ва корхоналардан юбо-рилганлар учун белгиланган шаклдаги йўланма.

Паспорт ва ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхат ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Аризалар кундузги бўлимига — 15 августгача, сиртки бўлимига 30 октябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимида 1 августдан 20 августгача, сиртки бўлимида — 1 ноябрдан 20 ноябргача ўтказилади.

КИРЎУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИ-
ХОН ТОПИШРАДИЛАР: кимё (оғзак), она тили ва адабиёти (диктант).

Ўрта мактабни олтин ёки кумуш медал билан, ўрта махсус билим юртини имтиёли диплом билан тугатганлар, шунингдек ўрта мактабни маъриф ёрлиги ёки «4» ва «5» баҳоларга тугатилганлар суҳбат асосида ўқувчи-лар сафига қабул қилинадилар.

Етоқхона ва стипендия умумий тартибда белгиланади. Техникум манзилгоҳи: Тошкент вилояти, Тошкент ноҳияси, академик Р. Р. Шерер номи илмгоҳи «Кенsoн даҳаси» (Транспорт); Тошкент шаҳри, «Чор-су» авто-станциясидан 478-автобусга ўтириб «Техникум» бекати-гача ёки 479-автобус билан «Шўро бозори» бекатига, шу бекатдан 478-автобусда «Техникум» бекатига бo-рилади).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХҲЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

В. А. БИЛБАС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ГИДРОМЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКУМИ

1991—1992 Ўқув йили учун

қуйидаги ихтисослар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Гидромелиорация» (техник-гидротехникларни тайёр-лайди);

«Гидромелиоратив ишларни механизациялаштириш» (мелиоратив ва қурилиш машиналарини ишлатиш бўйича техник-механикларни тайёрлайди);

«Автомат системаларини ишлатиш» (автомат қурма-ларини ишлатиш бўйича техник-электр механикларини тайёрлайди);

1-курса асосий умумтаълим ҳажмида маълумотга эга бўлган шахслар қабул қилинади.

Ўқиниш мuddати 3 йил 10 ой.

Кирувчилар она тилидан (диктант), математикадан (оғзак) кириш имтиҳонларини топишрадилар.

II-курсга ўрта умумтаълим мактаб ҳажмида маълу-мотга эга бўлган шахслар қабул қилинади.

Ўқиниш мuddати 2 йил 10 ой ва улар она тили ва адабиётдан диктант, математикадан (оғзак) кириш имтиҳонларини топишрадилар.

ИМТИХОНЛАР — 1—20 АВГУСТ КУНЛАРИ ЎТ-КАЗИЛАДИ.

Асосий умумтаълим мактабни аъло баҳоларга, ўрта умумтаълим мактабни олтин ёки кумуш медал билан, ҳунар-техника билим юртини имтиёли битирган шахслар аризаларини тупиш маромига қараб кириш имтиҳонла-ригиз қабул қилинади.

Ўқинишнинг барча турлари ва ихтисослари бўйича маълумоти тўғрисидаги ҳужжатларидо фақат «4» ва «5» баҳоларга эга бўлган шахслар суҳбат натижаларига кўра қабул қилинадилар.

Математика ва она тили бўйича республика олимпиа-даларининг голиблари (тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда) ўзлари олимпиадада галаба қозонган фан бў-йича имтиҳонлардан озоқ қилинадилар.

Ўқиниш кириш тўғрисидаги директор номига ёзилган аризалар қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган ҳoлда 1991 йил 15 августгача топишрилади: маълумоти тўғ-рисида гувоҳнома ёки етукилик аттестати (асли), 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат, соғлиги тўғрисидаги 086/У шаклдаги маълумотнома, амалий меҳнат фаолиятига эга бўлган шахслар меҳнат ёки колхозчи дафтарчасидан кў-чирма тақдим этадилар.